



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2019 йил апрель ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси Самарқанд шаҳар “Рахматобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, судья Ф.Саматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Икрамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Самарқанд транспорт прокуратурасининг иш ўрганувчиси П.Д.Алимжанов, судланувчи Ш.Саидова ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Негматовнинг иштирокида, Саидова Шахзода Нематовнага нисбатан №1-265-19-сонли жиноят ишини куриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Саидова Шахзода Нематовна (Saidova Shaxzoda Nematovna)**, 1973 йил 9 январь куни Каттакўрғон шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, турмушидан ажрашган, ишсиз, мукаддам судланмаган, Каттакўрғон шаҳар, Турон кўчаси, 1-уй, “Нокус” МФЙда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 29 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Саидова Шахзода Нематовна, 2016 йил 18 февраль кунида Каттакўрғон шаҳар ИИБ томонидан берилган АВ 3124443-серия рақамли фуқаролик паспортини олиб, шу паспорти билан Самарқанд вилояти ИИБ Миграция ва ФРБдан “Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи (стакер) рухсатномаси”ни расмийлаштирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспортлари тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 1995 йил 6 январь кунги 8-сонли Қарорининг 1-қисми 3-бандида кўрсатиб ўтилган яъни “Чет элга вақтинча чиқаётганда фуқароларга чет элга бориш учун 2 йил мобайнида амал

қиладиган рухсатнома ёзуви стикери расмийлаштирилади” деб кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июль кундаги 200-сонли Қарорининг 1-илоvasи 3-қисми 32-бандида кўрсатиб ўтилган яъни “Фуқаро хорижга вақтинча чиқишига рухсатномани олганда унинг паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжатига икки йил муддатга амал қиладиган стикер ёпиштирилади. Стикернинг амал қилиш муддати тугагач паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатига амал қилиш муддати икки йил бўлган янги стикер ёпиштирилади” деб кўрсатилган қоидаларга амал қилмасдан, тегишли тартибда, фуқаролик паспортига Самарқанд вилояти ИИБ Миграция ва фуқароларни расмийлаштириш бошқармасидан “Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи (стикер) рухсатномаси”ни расмийлаштирмасдан 2018 йил 3 декабрь куни РФнинг Москва шаҳри орқали “Дунёнинг барча давлатларига чиқиш стикери”ни расмийлаштирмай Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига бориб, 2018 йил 5 декабрь кунда Туркия давлатининг Истанбул шаҳри орқали РФнинг Москва шаҳрига келиб у ердан 2019 йил 12 март куни “Шереметова-Самарқанд” авиа-рейси билан Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган ва унга нисбатан қонунга хилоф равишда чет элга чиққанлиги учун тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Судланувчи Ш.Саидова суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам у 2017 йил 3 октябрь куни оилавий шароити оғир бўлганлиги сабабли, ишлаб пул топиш мақсадида “Самарқанд – Шереметьево” авиа-рейси билан РФнинг Москва шаҳрига борганлиги, у Москва вилояти, Химки шаҳрида жойлашган “Карусель” номли гипермаркетда кассир бўлиб ишлаб ойига ўртача 24.000 (йигирма тўрт минг) рубль ойлик маош олганлиги, шундан сўнг у РФнинг Москва шаҳрида ишлаб юрган вақтида уни регистрация амал қилиш муддати тугагандан сўнг у, яъни регистрация қилдириш мақсадида кирди чиқди қилиши керак бўлганлиги, шунда у РФнинг Шереметьева аэропортидан 2018 йил 3 декабрь куни “Дунёнинг барча давлатларига чиқиш стикери”ни расмийлаштирмай “Шереметова – Истанбул” авиарейси билан Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига борганлиги, Туркия давлатининг Истанбул шаҳридан 2018 йил 5 декабрь куни “Истанбул – Шереметова” авиарейси билан РФнинг Москва шаҳрига қайтганлиги ва ишини давом эттирганлиги, у Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига кетган вақтида “Дунёнинг барча давлатларига чиқиш стикери”ни расмийлаштирмаганлиги, чунки стикер расийлаштириш кераклигини билмаганлиги, у уйдагиларни соғинганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш учун РФнинг Москва шаҳридан авиачипта сотиб олиб, 2019 йил 12 март куни “Шереметова – Самарқанд” авиарейси билан ҳаво транспорти орқали 2019 йил 12 март куни Самарқанд халқаро аэропортига келганлиги, Самарқанд халқаро аэропорти чегара назорати зонасидан ўтаётган вақтида ўзига тегишли бўлган АА 3124443 рақамли фуқаролик паспортини тақдим қилганлиги, чегара ходимлари фуқаролик паспортини текшириб кўришиб, “Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсат” ёзув стикери

расмийлаштирмасдан Туркия давлатига бориб келганлигини маълум қилишиб, ҳолатни хужжатлаштирганлиги, Туркия давлатига бўлган вақтида одам савдоси қурбони бўлмаганлиги, ҳозирги вақтда содир этган қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, келгусида бу каби қонунга хилоф қилмишларни содир қилмаслигини, унинг қарамоғида кекса онаси ва касалманд опаси бўлиб унинг ягона қаровчиси ва боқувчиси эканлигини, оилавий аҳволи оғирлигини, суддан бошқа бундай жиноятни содир қилмаслигини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни билдириб баёнот берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг ва судланувчининг кўрсатувини тинглаб, судланувчи Ш.Саидованинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўзининг кўрсатуви, маъмурий ушлаб қолиш ҳақидаги баёноти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг бузилиши ҳақидаги баёноти (и.в. 4-5), тушунтириш хати (и.в. 7-9), хужжатни кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси (и.в. 13-16) ва жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Саидованинг қонунга хилоф равишда белгиланган тартибни бузиб, чет элга чиқишда ифодаланган жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Саидованинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг қилмишидан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини, қарамоғида кекса онаси ва касалманд опаси бўлиб, уларнинг ягона боқувчиси эканлигини, қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Саидовага нисбатан жазо турини тайинлашда ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” - деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, аёл киши бўлиб, унинг қарамоғида кекса онаси ва касалманд

опаси борлигини ва оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатларининг мажмуини ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, юқорида кўрсатилган ҳолатлар у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд ашёвий далил деб эътироф этилган судланувчи Ш.Саидовага тегишли 2016 йил 18 февраль куни Каттакўрғон шаҳар ИИБ томонидан берилган АВ 3124443-серия рақамли фуқаролик паспортини судланувчи Ш.Саидовага “тилхат” орқали қайтаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд,-

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Судланувчи Саидова Шахзода Нематовна (Saidova Shaxzoda Nematovna)га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Саидова Шахзода Нематовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баравари, яъни 4.054.600 (тўрт миллион эллик тўрт минг олти юз) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин ва давлат даромадига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи Саидова Шахзода Нематовнага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган судланувчи Ш.Саидовага тегишли 2016 йил 18 февраль куни Каттакўрғон шаҳар ИИБ томонидан берилган АВ 3124443-серия рақамли фуқаролик паспорти судланувчи Ш.Саидовага тилхат орқали қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

/имзо/

Ф.Саматов

*“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”:*